

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил „ 8 “ маъ № ПҚ-3703 „ “ 20 г.

**Самарқанд ветеринария медицинаси институтини
ташkil этиш тўғрисида**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган ислохотлар доирасида юқори малакали, чуқур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш борасида бир қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ветеринария соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, ҳайвонларнинг соғлиғини сақлаш бўйича самарали ишларни ташkil этиш, давлат ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария сервиси сифатини ошириш, эпизоотик осойишталикни ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, ички ва ташки бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардош ва келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ветеринария хизмати тизимини янада ривожлантириш мақсадида Давлат ветеринария кўмитаси ташkil этилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда ветеринария соҳасида юксак малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда мавжуд таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Бунда:

биринчидан, ветеринария соҳасига кадрлар тайёрлашнинг мақсадли тизими мавжуд эмаслиги, мутахассислар тайёрлаш юзасидан ҳақиқий талаб ва эҳтиёжлар чуқур таҳлил қилинмаганлиги оқибатида олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар етишмаслиги юзага келди;

иккинчидан, ветеринария соҳасида кадрлар тайёрлайдиган Тошкент давлат аграр университети ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ўқув-лаборатория базаси маънан ва жисмонан эскирганлиги, таълим бериш жараёнида назария ва амалиёт бирлиги таъминланмаганлиги натижасида кадрлар тайёрлаш сифати тушиб кетишига ҳамда битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келмоқда;

учинчидан, мутахассис чиқарувчи кафедралар профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти, амалий тажрибасини узлуксиз ривожлантириб бориш, уларни амалиётдаги муаммолар ва янгиликлар билан тизимли таништириш, мазкур соҳада илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш етарли даражада йўлга қўйилмаган;

тўртинчидан, таълим жараёнида инновацион ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш, илғор ўқитиш усулларида фойдаланиш, мутахассислик фанлари бўйича замонавий ўқув адабиётларини яратиш даражаси етарли эмас;

бешинчидан, соҳа учун кадрларни мақсадли тайёрлашнинг узлуксизлиги таъминланмаган, олий ўқув юртларига бириктирилган касб-хунар коллежларидаги таълим сифати талабга жавоб бермайди;

олтинчидан, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияси таъминланмаган, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашда амалиёт билан узвий ҳамкорлик даражаси талабга жавоб бермайди, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари соҳанинг долзарб илмий муаммоларига йўналтирилмаган;

еттинчидан, битирувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиши, уларнинг касбий фаолияти мониторинги тизимли ташкил этилмаган.

Ветеринария соҳаси кадрларини тайёрлаш тизимини мақбуллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, моддий-техника базани мустаҳкамлаш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш салоҳиятини ошириш, юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнларини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг таклифлари асосида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти негизида Самарқанд ветеринария медицинаси институти ташкил этилсин ҳамда институт ва унинг қошидаги академик лицей Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ўтказилсин.

2. Қуйидагилар Самарқанд ветеринария медицинаси институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

меҳнат бозорининг эҳтиёжига мувофиқ ветеринария ва чорвачилик соҳаси учун янги ва замонавий билимларга эга бўлган олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш;

ривожланган хорижий давлатларнинг ветеринария ва чорвачилик соҳаси бўйича илғор тажрибасини ўрганиш асосида давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш, ўқув ва илмий-методик таъминотини шакллантириш ва такомиллаштириш;

ветеринария таълими мазмунида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, инновацион ғоялари ва ишланмалари, юқори унумли ва ресурстежамкор илғор технологиялари бўйича билимларни акс эттириш, ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш, таълим бериш жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш;

хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, олим ва мутахассисларини жалб этган ҳолда ветеринария ва чорвачилик соҳалари бўйича педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, ўқув жараёнига замонавий таълим технологияларини ва масофадан ўқитиш усулларини жорий этиш;

профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, касбий билим даражаси, шунингдек, амалий тажрибасини узлуксиз ривожлантириб бориш механизмларини жорий этиш, уларнинг касбий салоҳиятини ривожлантиришда хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш, хорижий илмий ва олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва тажриба орттиришини ташкил этишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган илмий изланишларни ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда соҳанинг илмий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион изланишларни амалга ошириш;

чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш, сотишга ихтисослашган барча тоифадаги корхона, ташкилот ва хўжаликлар базасида талабаларнинг амалиётларини ташкил этиш;

Давлат ветеринария қўмитаси билан ҳамкорликда соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратиш, институтга бириктирилган касб-хунар коллежларидаги таълим сифатини ошириш;

битирувчиларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш ва касбий фаолияти мониторингини тизимли ташкил этиш.

3. Қуйидагилар:

Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Самарқанд ветеринария медицинаси институти фаолиятини ташкил этиш бўйича йўл харитаси 2-иловага мувофиқ;

Самарқанд ветеринария медицинаси институтига давлат ва хўжалик бошқарув органлари, вилоятлар ҳокимликларининг буюртмаларига асосан 2018/2019 ўқув йили учун давлат гранти ва тўлов контракт асосида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул квотаси 3-иловага мувофиқ;

2018/2019 ўқув йилида Самарқанд ветеринария медицинаси институти бакалаврият таълим йўналишларига давлат гранти асосида мақсадли қабул квотасини кадрлар буюртмачиларининг таклифларига асосан республика ҳудудлари бўйича тақсимооти 3а-иловага мувофиқ;

2018-2019 йилларда Самарқанд ветеринария медицинаси институтида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари параметрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Самарқанд ветеринария медицинаси институтида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари параметрларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, зарур ҳолларда, Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг уставини икки ой муддатда тасдиқланишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. 2018/2019 ўқув йилида Самарқанд ветеринария медицинаси институтида магистратура мутахассисликларига қабул Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун тўлиқ давлат гранти асосида амалга оширилсин.

7. Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг кадрлар буюртмачилари рўйхати ва уларга тақсимланган талабалар сони 5-иловага ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг амалиёт ўташ объектларига бириктирилиши 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Қуйидагилар Самарқанд ветеринария медицинаси институтида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кадрлар буюртмачиларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

корхона ва ташкилотлар объектларида талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш ва устоз-шогирд тизими асосида ўтилишини таъминлаш ҳамда талабаларни ишлаб чиқаришнинг янги меъёрий ҳужжатлари, замонавий информацион дастурий таъминот маҳсулотлари билан яқиндан таништириш;

ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларидан тайинланган малакавий амалиёт раҳбарларига асосий иш жойидан қўшимча иш ҳақларини тайинлаш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар тасарруфидаги бошқармалар ва уларнинг таркибидаги корхона ва ташкилотлардан малакали, тажрибали мутахассисларни таълим жараёнида иштирокини таъминлаш;

корхона ва ташкилотларда профессор-ўқитувчиларнинг стажировкалари учун шарт-шароитлар ҳамда кафедраларнинг филиалларини ташкил этиш ва амалий машғулотлар ўтиш имкониятини яратиш.

Кадрлар буюртмачилари талаба билан ўқишни битирганидан сўнг 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини белгиловчи шартнома тузиш орқали унинг базавий тўлов контрактини 2-босқичда камида 50 фоиз, 3-босқичда камида 75 фоиз ва 4-босқичда 100 фоиз миқдорда тўлаб бериши мумкинлиги қайд этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

икки ой муддатда Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда тугатилаётган Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари, тегишли ҳудуди, ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, ўқув адабиётлари ҳамда бошқа мол-мулки Самарқанд ветеринария медицинаси институтига белгиланган тартибда бепул берилишини таъминласин;

тугатилаётган Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг 2017/2018 ўқув йилида тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликларида таҳсил олаётган талабаларга уларнинг ўқишини тугатгунига қадар Самарқанд ветеринария медицинаси институтида ўқишини яқинлаш имкониятини яратсин.

10. Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб куйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ва ҳайрия маблағлари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат ветеринария кўмитаси билан биргаликда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти тугатилиши муносабати билан унинг ишдан бўшайдиган ходимларини ўрнатилган тартибда ишга жойлаштириб бориш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат ветеринария кўмитаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Р.С. Касимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Қ.В. Акмалов ва З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг тузилмаси



Изоҳ: Институт (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил “ 8 ” _____ ма _____ даги
ПҚ-3703 қарорига
2-илова

**Самарқанд ветеринария медицинаси институти фаолиятини ташкил этиш бўйича
ЙЎЛ ХАРИТАСИ**

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
I. Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ташкилий масалаларини ҳал этиш					
1.	Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Уставини ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш.	<p>1. Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Уставини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан тасдиқлаш.</p> <p>3. Самарқанд шаҳар “Давлат хизматлари” марказидан рўйхатдан ўтказиш.</p>	<p>2018 йил 11 июнь</p> <p>2018 йил 15 июнь</p> <p>2018 йил 29 июнь</p>	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Самарқанд ветеринария медицинаси институти
2.	Самарқанд ветеринария медицинаси институтида собиқ Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ташкилий тузилмасида бўлмаган ва янгидан ташкил этилаётган факультетлар, бўлимлар ва кафедралар лавозимларини ўрнатилган тартибда кадрлар билан бутлаш.	<p>1. Раҳбар ва кадрларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат ветеринария қўмитаси билан келишилган ҳолда тайинлаш.</p> <p>2. Вақант ўринларни педагог кадрлар билан бутлаш юзасидан танлов эълон қилиш.</p> <p>3. Танловдан ўтган педагог кадрларни ўрнатилган тартибда ишга қабул қилиш.</p>	<p>2018 йил 11 июнь</p> <p>2018 йил 10 май</p> <p>2018 йил 11 июнь</p>	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, Самарқанд ветеринария медицинаси институти
3.	Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ўқув-методик адабиётлар, ахборот материаллари (шу жумладан, уларнинг электрон вариантлари),	1. Янгидан ташкил этилаётган таълим йўналишлари учун ўқув-методик адабиётлар ва ахборот материалларини яратиш бўйича соҳанинг етук мутахассислари	2018 йил 29 июнь	Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	махсус даврий нашрлар билан таъминлаш.	<p>ҳамда соҳага оид хорижий олий таълим муассасаларининг олимлари таркибидан иборат ижодий Ишчи гуруҳ ташкил қилиш.</p> <p>2. Янгидан ташкил этилаётган таълим йўналишлари бўйича ўқув-методик адабиётлар, ахборот материалларини яратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Нашр учун тайёрланган ўқув-методик адабиётларни сифатли чоп этиш.</p>	<p>2018 йил 29 июнь</p> <p>2019-2021 йиллар</p>		
4.	Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб қабул тўхтатиладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича факультет ва кафедраларнинг фаолияти тегишли таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлари талабаларининг ўқиш муддати даврига мос равишда давом эттириш имкониятини яратиш.	<p>1. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб қабул тўхтатиладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича факультет ва кафедраларнинг фаолияти босқичма-босқич тугатиш.</p> <p>2. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб қабул тўхтатиладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари талабаларининг ўқиш муддати даврига мос равишда давом эттириш имкониятини таъминлаш.</p>	<p>2018-2021 йиллар 30 июнь</p> <p>2018-2021 йиллар</p>	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Самарқанд ветеринария медицинаси институти
II. Ветеринария соҳаси учун кадрларга бўлган талабни ва таълим сифатини таъминлаш механизмини шакллантириш					
5.	Ривожланган хорижий мамлакатлар ва маҳаллий илғор тажриба ҳамда кадрлар истеъмолчиларининг талаблари, соҳа бўйича замонавий ишлаб	1. Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини қайта ишлаб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этиш.	2018 йил 11 июнь	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат ветеринария кўмитаси,

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	<p>чиқариш жараёнлари, юқори ресурстежамкор илғор технологиялар ўз аксини топган давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини қайта ишлаб чиқиш.</p>	<p>2. Ишчи гуруҳлар томонидан қиёсий таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режалари, фан дастурларини асосий кадрлар истеъмолчилари билан келишув далолатномасини тузиш.</p> <p>3. Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи билан тасдиқлаш.</p> <p>4. Тасдиқланган давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини босқичма-босқич ўқув жараёнига тадбиқ этиш.</p>	<p>2018 йил 11 июнь</p> <p>2018 йил 29 июнь</p> <p>2018 йил 3 сентябрь</p>		<p>манфаатдор вазирликлар ва идоралар, хамкор хорижий олий таълим муассасалари, Самарқанд ветеринария медицинаси институти</p>
6.	<p>Хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ва кадрлар истеъмолчиларининг талаблари асосида Самарқанд ветеринария медицинаси институтида янгидан ташкил этиладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг номларини “Олий таълим бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари класификатори”га киритиш.</p>	<p>1. Янгидан ташкил этиладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликларини “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари класификатори”га киритиш бўйича таклифларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этиш.</p> <p>2. “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари класификатори”га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.</p>	<p>2018 йил 31 май</p> <p>2018 йил 29 июнь</p>	-	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат ветеринария кўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Самарқанд ветеринария медицинаси институти</p>

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
7.	Талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини илғор фермер хўжаликлари ва ташкилотларда ўташларини ташкил қилиш, ёш мутахассисларни ўз йўналишлари бўйича ишга жойлаштириш тадбирларини ўз ичига олган ҳамкорлик шартномаларини тузиш.	<p>1. Талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш мақсадида илғор технологияларга эга корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари рўйхатини аниқлаш.</p> <p>2. Корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари билан ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш ва ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномаларни тузиш.</p> <p>3. Ҳамкорлик шартномаларига асосан амалиётларни ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш.</p> <p>4. Таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларига малакавий амалиёт муддатларини ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигини эътиборга олган ҳолда 18-22 ҳафтадан 26-30 ҳафтагача белгилаш</p> <p>5. Худудлар бўйича белгиланган ва шартнома тузилган корхона, ташкилот ва илғор хўжаликлар (тадбиркорлик субъектлари)да амалиёт ўтовчи талабалар гуруҳларини шакллантириш ва таълим муассасаси ҳамда ишлаб чиқаришдан масъул амалиёт раҳбарларини тайинлаш.</p> <p>6. Амалиёт даврида талабалар учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, уларнинг меҳнатига ҳақ</p>	<p>2018 йил 31 май</p> <p>2018 йил 29 июнь</p> <p>Тасдиқланган ўқув жараёни жадвали асосида</p> <p>Тасдиқланган ўқув жараёни жадвали асосида</p> <p>Ҳар йили 1 август</p> <p>График бўйича</p>	-	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат ветеринария кўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		тўлаш, яшаш жойлари билан таъминлаш ҳамда ўқишни тугатгандан сўнг ишга тақсимлаш			
8.	Самарқанд ветеринария медицинаси институтини битираётган кадрларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиши, ўз йўналишлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари ва касбий фаолиятини мониторинг қилиш.	<p>1. Битирувчилар ва иш берувчилар ўртасида “Карьера куни” тадбирларини ўтказиш, битирувчиларни ишга жойлашиши бўйича уч томонлама шартномалар тузиш.</p> <p>2. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи битирувчилар учун бизнес режа тузиш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш.</p> <p>3. Ёш мутахассисларни кадр буюртмачилари ташкилотларида меҳнат фаолиятини бошлаши ва уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.</p>	<p>2018 йил 31 май</p> <p>2018 йил 31 май</p> <p>2019 йил 25 февраль</p>	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат ветеринария кўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
9.	Ветеринария соҳасида олий малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида тақчил ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш учун хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртига иқтидорли ва истикболли ёшларни танлов асосида ташкилий равишда юборишни ташкил этиш.	<p>1. Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб иқтидорли ва истикболли ёшларни ўқитиш мақсадида тор ихтисосликларни аниқлаш.</p> <p>2. Эҳтиёжлар асосида Россия Федерацияси ва бошқа давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртилари билан шартномалар тузиш</p>	<p>ҳар йили ноябрь ойидан</p> <p>Шартнома-ларда белгиланган муддатларда</p>	Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази, халқаро таълим грантлари, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва	Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат ветеринария кўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Самарқанд ветеринария медицинаси институти,

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		ҳамда ўқишга юборишни ташкил этиш.		ҳомийлик маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
10.	Самарқанд ветеринария медицинаси институтига бириктирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларнинг салоҳияти ва малакасини ошириш бўйича тақлифлар тайёрлаш.	<p>1. Институтга бириктирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларнинг салоҳияти ва малакасини ошириш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этиш.</p> <p>2. Худудларда касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларни мавжуд моддий-техника базаларини таҳлил қилиш ҳамда замонавий лаборатория жиҳозлари ва ўқув қуроллари билан таъминлаш.</p> <p>3. Бириктирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари ўқитувчиларининг таянч олий таълим муассасаси ҳамда илғор ишлаб чиқариш корхоналарида педагогик ва касбий малакаларини ошириш.</p>	<p>2018 йил 31 май</p> <p>2018 йил 20 август</p> <p>2018 йил 30 август</p>	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлар
11.	Самарқанд ветеринария медицинаси институти таълим йўналишлари (мутахассисликлари)га мос замонавий виварий, ветеринария клиникаси ва илмий тадқиқот лабораторияси, ўқув лабораториялари, соғломлаш-	1. Самарқанд ветеринария медицинаси институти таълим йўналишлари (мутахассисликлари)га мос замонавий виварий иншоотларини капитал таъмирлаш ва уларни моддий-техника базасини яратишни лойиҳа сметасини тайёрлаш.	2018 йил 20 сентябрь	Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат ветеринария кўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	тириш оромгоҳи ҳамда ўқув тажриба хўжалиги иншоотларини капитал таъмирлаш ва уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.	<p>2. Замонавий ветеринария клиникаси куриш лойиҳа сметасини тайёрлаш.</p> <p>3. Замонавий ўқув ва илмий тадқиқот лабораториясини ташкил этиш лойиҳа сметасини тайёрлаш.</p> <p>4. Соғломлаштириш оромгоҳи ҳамда ўқув тажриба хўжалиги иншоотларини капитал таъмирлаш ва уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш лойиҳа сметасини тайёрлаш.</p>	<p>2018 йил 14 сентябрь</p> <p>2018 йил 10 сентябрь</p> <p>2018 йил 5 сентябрь</p>	ривожлантириш жамғармаси, ҳомийлик маблағлари	
III. Илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш					
12.	Самарқанд ветеринария медицинаси институтида илмий-тадқиқот ишларини ва ўқув жараёнларини такомиллаштириш бўйича хорижнинг илғор олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан тизимли алоқаларни кенгайтириш ва уларнинг натижадорлигини ошириш.	<p>1. Хорижий етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш.</p> <p>2. Хорижий етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ўқув адабиётларини яратиш, халқаро грант лойиҳаларида иштирок этиш.</p> <p>3. Ҳамкорликда яратилган ўқув адабиётларини чоп этиш.</p> <p>4. Инновацион технологияларга эга бўлган корхона ва ташкилотларда мутахассис кафедраларнинг филиалларини ташкил этиш, ишлаб чиқаришдаги</p>	<p>2018 йил 3 сентябрь</p> <p>2018 йил 5 декабрь</p> <p>2019-2021 йиллар</p> <p>Ўқув йили давомида</p>	<p>-</p> <p>Ҳомийлик маблағлари, халқаро ва хорижий ташкилотлар грантлари</p> <p>Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари</p> <p>-</p>	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги, Давлат ветеринария кўмитаси, Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		мавжуд муаммоларни ўрганиш, илмий ечимини излаш ва амалий машғулотлар ўтиш имкониятини яратиш.			
13.	Самарқанд ветеринария медицинаси институтида ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари бўйича илмий муассасалари билан ҳамкорликни такомиллаштириш.	<p>1. Ветеринария илмий тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалик хайвонлари, парранда, балиқ ва асалариларда учрайдиган турли хилдаги касаликларни олдини олиш ва даволаш борасида таҳлиллар ўтказиш.</p> <p>2. Ўтказилган таҳлилар асосида илмий жиҳатдан асосланган долзарб мавзулар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Қоракўлчилик ва чўл экологияси ҳамда чорвачилик илмий тадқиқот институти билан ҳамкорликда қоракўл кўйлари ва қорамолларнинг махсулдорлигини ошириш, насл хусусиятини яхшилаш, янги тизимлар яратиш борасида ҳамда магистрларнинг МД, докторантларнинг (Phd, DSc) диссертация ишларини бажариш учун соҳанинг илмий муаммоли мавзулар базасини яратиш.</p> <p>4. Илмий тадқиқот ишлари олиб бориш орқали 50 нафар магистр, 10 нафар PhD, 5 нафар DSc диссертациясини химоя қилдириш.</p>	<p>2018 йил 29 июнь</p> <p>2018 йил 29 июнь</p> <p>2018 йил 29 июнь</p> <p>2021 йил</p>	<p>Давлат грантлари ва хўжалик шартномалари маблағлари</p> <p>-</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги, Давлат ветеринария кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Самарқанд ветеринария медицинаси институти</p>

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
14.	Самарқанд ветеринария медицинаси институтида илмий изланишлар олиб бораётган докторантларни, иқтидорли талаба-ёшларни соҳанинг илмий муаммоли мавзулари билан шуғулланишга жалб этиш, тадқиқот ишлари учун ишлаб чиқариш ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтларида тажриба-синов ишлари учун шароитлар яратиш.	<p>1. Иқтидорли талабалар, магистрантлар ва ёш олимлар билан ишлаш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этиш.</p> <p>2. Илмий изланишлар олиб бораётган докторантлар, магистрлар ва иқтидорли талаба-ёшлар учун соҳанинг илмий муаммоли мавзулар базасини яратиш.</p> <p>3. Иқтидорли талабалар, магистрантлар ва ёш олимларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб этиш механизмини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Иқтидорли талабалар, магистрантлар ва ёш олимларни илмий-тажриба ишларини бажариш графигини ишлаб чиқиш.</p> <p>5. Иқтидорли талабалар, магистрантлар ва ёш олимларига тадқиқот ишларини олиб боришлари учун ишлаб чиқариш ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтларида тажриба-синов ишларини ўтказиш.</p>	<p>2018 йил 31 май</p> <p>2018 йил 29 июнь</p> <p>2018 йил 29 июнь</p> <p>2018 йил 29 июнь</p> <p>2018-2020 йиллар</p>	<p>Давлат грантлари ва хўжалик шартномалари бўйича тушган маблағлар</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат ветеринария кўмитаси, Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Самарқанд ветеринария медицинаси институтида</p>
15.	Ветеринария ва чорвачилик соҳасида амалга ошириладиган хорижий инвестиция ва грант лойиҳаларини шакллантиришда фан ва таълим компонентларини қоида тариқасида кўзда тутилишини таъминлаш.	<p>1. Ветеринария ва чорвачилик соҳасида амалга ошириладиган хорижий инвестиция ва грант лойиҳаларини шакллантириш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этиш.</p> <p>2. Ветеринария ва чорвачилик соҳасида амалга ошириладиган хорижий инвестиция ва грант лойиҳаларини шакллантириш.</p>	<p>2018 йил 31 май</p> <p>2018 йил 31 октябрь</p>	-	<p>Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,</p>

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		3. Хорижий инвестиция ва грант лойиҳалари ҳисобидаги маблағларини фан ва таълим тизимини ривожлантиришга йўналтириш.	2019 йил 20 сентябрь		Давлат ветеринария қўмитаси, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва илмий-тадқиқот муассасалари
IV. Педагог ходимларнинг малакасини ошириш ҳамда ҳалқаро алоқаларни ривожлантириш					
16.	Ветеринария соҳасидаги мутахассислар ва педагог кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилаш, илмий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот - коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида”ги “Зооинженерия” ва “Ветеринария медицинаси” йўналишларини Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази”га ўтказиш.	1. Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази” Низомини ишлаб чиқиш.	2018 йил 3 сентябрь	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд ветеринария медицинаси институти
2. Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази”да “Зооинженерия” ва “Ветеринария медицинаси” мутахассисликлари бўйича кадрларнинг малакасини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўриш.		2018 йил 5 сентябрь			
3. Мутахассислик фанлардан соҳадаги илғор корхона ва ташкилотлар ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари базасида касбий малакаларини ошириш режасини ишлаб чиқиш		2018 йил 29 июнь			
4. Иш берувчи корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассислари иштирокида кафедрада профессор-ўқитувчилар ва битирувчи курс		2018 йил 29 июнь			

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		талабалари учун “Ишлаб чиқаришнинг муаммоларига бағишланган маърузалар”ни ташкил қилиш графигини ишлаб чиқиш			
17.	Хорижий давлатларнинг рейтинг юқори илмий ва олий таълим муассасаларига докторантурага ўқишга, илмий ходимларни стажировкага, профессор-ўқитувчиларни малака оширишга белгиланган тартибда танлов асосида юбориш.	<p>1. Малака ошириш, стажировкага юбориладиган талабгорларнинг рўйхатини аниқлаш мақсадида танлов эълон қилиш, улар билан суҳбат ўтказиш, инглиз ва рус тилларини билиш даражасини аниқлаш.</p> <p>2. Хорижий олий таълим ва илмий муассасаларига малака ошириш, стажировка ўташ учун юбориладиган педагог ва илмий ходимлар учун қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил қилиш.</p> <p>3. Янги таълим йўналишлари бўйича ўқув жараёнини юқори савияда ташкил этиш ҳамда таълим сифатини ошириш мақсадида етакчи хорижий олий таълим ва илмий муассасаларига мутахассислик фанларидан дарс берувчи профессор-ўқитувчилардан 15 нафарини қайта тайёрлашга ва 5 нафар иқтидорли битирувчи талабаларни магистратура мутахассисликларида ўқишга юбориш.</p>	<p>2018 йил 31 октябрь</p> <p>2018 йил 30 ноябрь</p> <p>2018 йил 31 декабрь</p>	Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази, халқаро таълим грантлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат ветеринария кўмитаси, Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
18.	Таълим сифатини ошириш мақсадида хорижий олимлар ва мутахассисларнинг маъруза ўқишларини ташкил этиш, улар томонидан онлайн режимда машгулотлар ўтказишни ва соҳанинг долзарб муаммолари йўналишида вебинарлар ташкил этишни йўлга қўйиш.	<p>1. Етакчи хорижий таълим ва илмий муассасалардан таълим йўналишларининг ўқув жараёни ва малака ошириш курсларига маърузалар ўқиш учун жалб этиладиган олим ва мутахассислар рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Хориждаги етакчи олий таълим муассасалари билан тузилган ҳамкорлик шартномаларга асосан юқори салоҳиятли профессор-ўқитувчиларни ўқув жараёни ва малака ошириш курсларига жалб этиш.</p> <p>3. Ривожланган хорижий мамлакатлар университетлари таълим менежментининг илғор меъёрларини институт ўқув жараёнига татбиқ этиш мақсадида онлайн видео семинарлар, вебинарлар ўтказиш.</p>	<p>2018 йил 31 август</p> <p>2019 ўқув йилидан бошлаб</p> <p>2018 йил ноябрь-декабрь</p>	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро таълим грантлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат ветеринария кўмитаси, Самарқанд ветеринария медицинаси институти
19.	Хорижий илғор университетлар билан таълим ва илмий соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий профессорларнинг маърузаларини онлайн режимда ҳамда соҳанинг долзарб муаммолари йўналишида вебинарлар ташкил этиш.	<p>1. Ветеринария ва чорвачилик соҳасига мос хорижий илғор университетлар профессорларини ва мутахассисларнинг рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Хорижий нуфузли университетлар профессорларининг маърузаларини онлайн режимда вебинарлар ташкил этиш.</p>	<p>2018 йил 28 сентябрь</p> <p>2018 йил 31 октябрь</p>	Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази, халқаро таълим грантлари, ҳомийлик маблағлари ва грантлар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
V. Институтни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш					
20.	Олий таълим муассасаси моддий-техника базасини модернизация қилиш, замонавий ўқув-лаборатория мажмуалари, илмий лабораториялар, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш ҳамда ўқув бинолари, талабалар турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	1. Ўқув жараёнига автоматлаштирилган тизимни жорий этиш, таълим сифати назоратини кучайтириш ва уни модернизация қилиш.	2018-2019 йиллар	Молия вазирлиги хузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси, ҳомийлик маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
		2. Замонавий ўқув-лаборатория мажмуалари, илмий лабораториялар, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш.	2018-2019 йиллар		
		3. Ўқув бинолари, талабалар турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш (тармоқ жадвали асосида).	2018-2019 йиллар		
		4. Институтда Замонавий “Ветеринария клиникаси”, “Минтақавий диагностика маркази” ва “Виварий”ни ташкил этиш	2018-2019 йиллар		
21.	Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва касб-хунар коллежаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари ҳамда Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ва тажриба синов ишлари учун ажратилган ер участкаларида давлат буюртмаси учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини	1. Ўқув - тажриба хўжаликларининг илмий-тадқиқот ва тажриба синов ишлари учун ажратилган ер участкаларида давлат буюртмаси учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш юзасидан маҳаллий ҳокимликлар томонидан шартномавий мажбуриятлар белгилашни бекор қилиш.	2018 йил 31 май	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро таълим грантлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Давлат ветеринария қўмитаси, “Ўздавергеодезкадастр” давлат қўмитаси, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	етиштириш юзасидан маҳаллий ҳоқимликлар томонидан шартномавий мажбуриятлар белгилаш ишларига барҳам бериш.	2. Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва илмий-тадқиқот муассасалари, уларга бириктирилган ва касб-ҳунар коллежларининг ўқув-тажриба хўжаликларининг ер участкаларида илмий-лойҳалар ва грантлар доирасида экинларни жойлаштириш ҳамда семинарлар ташкил этиш мақсадида кўргазмали дала майдонларини ташкил этиш.	2018 йил 29 июнь		Ветеринария илмий-тадқиқот институти

**Самарқанд ветеринария медицинаси институтига давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари, вилоятлар
хоқимликларининг буюртмаларига асосан 2018/2019 ўқув йили учун давлат гранти ва тўлов контракт асосида
бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул квотаси**

№	Шифр	Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари номи	2018/2019 ўқув йилига қабул режаси		
			Жами	шу жумладан:	
				давлат гранти	тўлов контракт
Самарқанд ветеринария медицинаси институти			800	275	525
Бакалаврият таълим йўналишлари			750	225	525
1	5440100	Ветеринария медицинаси (<i>йирик шохли моллар касалликлари</i>)	55	20	35
2	р/й	Ветеринария медицинаси (<i>майда шохли моллар касалликлари</i>)	42	15	27
3	р/й	Ветеринария медицинаси (<i>йилқи ва туя касалликлари</i>)	21	6	15
4	р/й	Ветеринария медицинаси (<i>кинология ва ит касалликлари</i>)	30	10	20
5	р/й	Ветеринария медицинаси (<i>парранда касалликлари</i>)	45	14	31
6	р/й	Ветеринария медицинаси (<i>балиқ касалликлари</i>)	40	13	27
7	р/й	Ветеринария медицинаси (<i>асалари касалликлари</i>)	24	8	16
8	р/й	Ветеринария фармацевтикаси	33	10	23
9	р/й	Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари	60	20	40
10	р/й	Ветеринария санитария экспертизаси	45	10	35
11	5410600	Зооинженерия (<i>қорамолчилик</i>)	23	8	15
12	р/й	Зооинженерия (<i>қўйчилик-эчкичилик</i>)	22	6	16
13	р/й	Зооинженерия (<i>қорақўлчилик</i>)	15	5	10
14	р/й	Зооинженерия (<i>йилқичилик ва туячилик</i>)	15	5	10
15	р/й	Зооинженерия (<i>паррандачилик</i>)	35	10	25
16	р/й	Зооинженерия (<i>асаларичилик</i>)	20	6	14
17	р/й	Зооинженерия (<i>балиқчилик</i>)	20	6	14
18	р/й	Биотехнология	65	15	50
19	р/й	Ўсимликшунослик (<i>яйлов чўл ўсимликишунослиги</i>)	30	8	22
20	р/й	Агрономия (<i>ем-хашак экинлари</i>)	45	15	30
21	р/й	Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси	65	15	50
Магистратура мутахассисликлари			50	50	
1	р/й	Ветеринария акушерлиги ва ҳайвонларнинг кўпайтириш биотехникаси	4	4	
2	р/й	Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси	4	4	
3	р/й	Кинология ва ит касалликлари	4	4	
4	р/й	Тренинг ва от касалликлари	4	4	
5	р/й	Ҳайвонлар физиологияси ва биокимёси	4	4	
6	р/й	Балиқ касалликлари	4	4	
7	р/й	Асалари касалликлари	4	4	
8	р/й	Парранда касалликлари	4	4	
9	р/й	Қорақўл қўйлар селекцияси	3	3	
10	р/й	Зоопсихология ва наслчилик	3	3	
11	р/й	Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, саклаш ва қайта ишлашнинг анъанавий ҳамда инновацион технологияси ва сертификацияси	4	4	
12	р/й	Зоо-генетик-инжиниринг	4	4	
13	р/й	Селекция ва био-нанотехнологиялар	4	4	

2018/2019 ўқув йилида Самарқанд ветеринария медицинаси институти бакалаврият таълим йўналишларига давлат гранти асосида
мақсадли қабул квотасини кадрлар буюртмачиларининг таклифларига асосан республика ҳудудлари бўйича тақсимоти

№	Шифр	Таълим йўналишлари номи	2018/2019 ўқув йилига қабул режаси			Давлат гранти жами	Қорақалпоғистон Республикаси	Хоразм	Бухоро	Навоий	Самарқанд	Сурхондарё	Қашқадарё	Жиззах	Сирдарё	Тошкент вил.	Андижон	Наманган	Фарғона	Тошкент шаҳ.
			Жами	шу жумладан:																
				давлат гранти	тулов контракти															
Бакалавр йўналишлари			750	225	525	225	15	12	23	18	11	21	23	20	12	19	13	12	18	8
Самарқанд ветеринария медицинаси институти			750	225	525	225	15	12	23	18	11	21	23	20	12	19	13	12	18	8
1	5440100	Ветеринария медицинаси (йирик шохли моллар касалликлари)	55	20	35	20	1	1	2	1		2	2	1	2	2	2	2	2	
2	р/й	Ветеринария медицинаси (майда шохли моллар касалликлари)	42	15	27	15	1	1	1	1		1	2	1	1	2	1	1	2	
3	р/й	Ветеринария медицинаси (йилқи ва туя касалликлари)	21	6	15	6			1	1		1	1	1						
4	р/й	Ветеринария медицинаси (кинология ва ит касалликлари)	30	10	20	10	1	1	1	1		1	1	1	1	1	1		1	
5	р/й	Ветеринария медицинаси (парранда касалликлари)	45	14	31	14	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
6	р/й	Ветеринария медицинаси (балиқ касалликлари)	40	13	27	13	1	1	1	1		1	1	1	1	1	1	1	1	1
7	р/й	Ветеринария медицинаси (асазари касалликлари)	24	8	16	8			1	1	1	1			1			1	1	
8	р/й	Ветеринария фармацевтикаси	33	10	23	10		1	1	1	2		1			1	1		1	1
9	р/й	Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари	60	20	40	20	1	2	2	1	1	1	2	1	1	2	1	2	2	2
10	р/й	Ветеринария санитария экспертизаси	45	10	35	10	1		1	1		1	1	1		1	1	1	1	1
11	5410600	Зооинженерия (қорамолчилик)	23	8	15	8	1		1			1	1	1		1			1	1
12	р/й	Зооинженерия (қўйчилик-эчкичилик)	22	6	16	6	1		1			1		1		1			1	
13	р/й	Зооинженерия (қорақўлчилик)	15	5	10	5			1	1		1	1	1						
14	р/й	Зооинженерия (йилқичилик ва туячилик)	15	5	10	5				1		1	1	1		1				
15	р/й	Зооинженерия (паррандачилик)	35	10	25	10	1		1		1	1	1	1	1	1			1	
16	р/й	Зооинженерия (асазаричилик)	20	6	14	6			1			1	1	1				1	1	
17	р/й	Зооинженерия (балиқчилик)	20	6	14	6	1	1		1				1	1	1				
18	р/й	Биотехнология	65	15	50	15	1	1	1	1	1	1	1	1	2	1	1	1	1	1
19	р/й	Ўсимликшунослик (яйлов чўз ўсимликшунослиги)	30	8	22	8	1		2	1	1	1	1							
20	р/й	Агрономия (ем-хашак экивлари)	45	15	30	15	1	1	2	2	2	2	2	1						
21	р/й	Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси	65	15	50	15	1	1	1	1	1	1	2	1	1	1	1	1	1	1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 8 маъ даги
ПҚ-3703-сонли қарорига
4-илова

